

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**56** **Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 3 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2322*

*(2012 йил 13 февралдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 372-модда), «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизими янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.,

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

48-сон, 442-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 20 декабрь,  
38/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил  
20 декабрдаги 38/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотлари томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига молиявий  
ҳисоботларни ва электрон маълумотларни тақдим  
этиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 372-модда) ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 9-сон, 142-модда) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон «2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 442-модда) мувофиқ, микрокредит ташкилотлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига (кейинги ўринларда Марказий банк деб юритилади) молиявий ҳисоботларни ҳамда уларнинг электрон маълумотларини тақдим этиш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Микрокредит ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини Ўзбекистон Республикасининг

публикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ юритади.

2. Микрокредит ташкилотлари Марказий банкка қуйидаги молиявий ҳисоботларни ва уларнинг электрон маълумотларини тақдим этади:

баланс ҳисоботи (мазкур Низомга 1-илова);

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (мазкур Низомга 2-илова);

капиталдаги ўзгаришлар (мазкур Низомга 3-илова).

## **II. Микрокредит ташкилотлари томонидан Марказий банкка молиявий ҳисоботларни тақдим этиш**

3. Тақдим этилган молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар ҳисобот ойнанинг охири кунида амалга оширилган амалиётларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳисобот ойнанинг охири санасига кўрсатилиши керак.

4. Молиявий ҳисоботлар микрокредит ташкилотлари томонидан ҳисобот ойдан кейинги ойнанинг 5-санасигача микрокредит ташкилоти жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига тақдим этилади. Агар ойнанинг 5-санаси дам олиш ёки байрам кунига тўғри келса, бунда ҳисоботлар дам олиш ёки байрам кунидан аввалги иш кунида тақдим этилиши лозим.

5. Молиявий ҳисоботлар уч нусхада тайёрланади. Бунда ҳисоботларнинг икки нусхаси микрокредит ташкилоти жойлашган ҳудуддаги Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига тақдим этилади, учинчи нусхаси эса микрокредит ташкилотининг ўзида сақланади.

6. Молиявий ҳисоботлар микрокредит ташкилотининг раҳбари ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс томонидан имзоланади, микрокредит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланади.

7. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини ва тўлиқлигини текширади. Тақдим этилган молиявий ҳисоботларда хато ва камчиликлар аниқланганда, уларни тузатиб қайта тақдим этиш шarti билан микрокредит ташкилотига қайтаради.

8. Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаси микрокредит ташкилоти томонидан тақдим этилган молиявий ҳисоботларнинг бир нусхасини ҳар ойнанинг 7-санасидан кечиктирмай Марказий банкка тақдим этиб боради.

## **III. Микрокредит ташкилотлари томонидан молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини тақдим этиш**

9. Микрокредит ташкилотлари автоматлаштирилган тизим орқали молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини шакллантириб, Банк тизими маълумотлар омборига (кейинги ўринларда БТМО деб юритилади)

ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасигача алоқа каналлари орқали юбориши шарт.

10. Қуйидаги ҳолларда микрокредит ташкилотлари БТМО га молиявий ҳисоботларнинг электрон маълумотларини юбормаслиги мумкин:

микрокредит ташкилотининг БТМО билан коммуникация алоқаси узилганда;

микрокредит ташкилотининг техник воситаси ва дастурий таъминоти носоз ҳолатда бўлганда;

форс-мажор ҳолатларида.

11. Микрокредит ташкилоти мазкур Низомнинг 10-бандида кўрсатилган ҳолатлар ҳақида Марказий банкни дарҳол хабардор этиши ҳамда иккинчи ва учинчи хатбошиларда назарда тутилган ҳолатларни улар юзага келган кундан бошлаб 5 кунлик муддат ичида бартараф этиши керак.

#### IV. Яқуний қоидалар

12. Молиявий ҳисоботлар ва уларнинг электрон маълумотлари микрокредит ташкилотининг бутун фаолияти давомида юборилиб турилади.

13. Такдим этиладиган молиявий ҳисоботлар ва уларнинг БТМО га юбориладиган электрон маълумотлари ўзаро мос келиши керак.

14. Микрокредит ташкилотларининг айрим молиявий операцияларни ўтказиши маълум муддатга тўхтатилганидан қатъи назар, улар томонидан молиявий ҳисоботлар ва улар бўйича электрон маълумотлар белгиланган муддатларда такдим этилиши лозим.

15. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Микрокредит ташкилотлари томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон  
маълумотларни такдим этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

#### « \_\_\_\_\_ » микрокредит ташкилотининг БАЛАНС ҲИСОБОТИ

20\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ ҳолатига

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ	
		<b>АКТИВЛАР</b>		
10	10101 + 10109	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари		
20	10503 + 10505 + 10507 + 10597	Банкдан олиними лозим бўлган маблағлар		
30	16300	Олиними лозим бўлган ҳисобланган фоизлар		

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
40	11100	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари — факторинг	
50	12401 + 12405 + 12409 + 12501 + 12505 + 12509 + 12701 + 12705 + 12709 + 14801 + 14809 + 14901 + 14909 + 15101 + 15109 + 15701 + 15703 + 15707	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмол), брутто	
51	12499 + 12599 + 12799 + 14899 + 14999 + 15199 + 15799 (қисман*)	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
52		Кредитлар, соф (50 код – 51 код)	
60	15600 + 15709 – 15799 (қисман**)	Микролизинг, соф	
70	16500	Асосий воситалар, соф	
80	16600	Номоддий активлар, соф	
90		Қарз ҳисоб-китоблари эвазига олинган активлар (91 код – 92 код)	
91	16701	Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулклар	
92	16707 + 16799	Минус: кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	
100	19900 + 16100	Бошқа активлар	
<b>110</b>		<b>Жами активлар (10 + 20 + 30 + 40 + 52 + 60 + 70 + 80 + 90 + 100)</b>	
		<b>МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ</b>	
		<b>МАЖБУРИЯТЛАР</b>	
210	21600 + 22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар	
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар	
230	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар	
240	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	
250	22800	Муддати узайтирилган даромадлар	
260	29800 + 22200	Бошқа мажбуриятлар	
<b>270</b>		<b>Жами мажбуриятлар (210 + 220 + 230 + 240 + 250 + 260)</b>	
		<b>КАПИТАЛ</b>	
310	30301	Устав капитали	
320	30903	Захира фонди	
330	30905	Текинга олинган мулклар	
340	31701	Ўзлаштирилган грант маблағлари	
350	31203	Тақсимланмаган фойда	
360	30908	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	
370	Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (1200 код)	Жорий йил фойдаси (зарар)	
<b>380</b>		<b>Жами капитал (310 + 320 + 330 + 340 + 350 + 360 + 370)</b>	

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
390		Жами мажбуриятлар ва капитал (270 + 380)	

Изоҳ: \* микрокредит ва микроқарз бўйича;

\*\* микролизинг бўйича.

Раҳбар имзоси:

муҳр

(Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

(Ф.И.Ш.)

Микрокредит ташкилотлари томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банкига молиявий ҳисоботларни ва  
электрон маълумотларни тақдим этиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

« \_\_\_\_\_ » **микрокредит ташкилотининг**  
**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТИ**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига**

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
		<b>1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР</b>	
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	
120	42000 + 44200	Жисмоний шахсларга берилган микроқарзлар бўйича фоизли даромадлар	
130	42100 + 44300	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	
140	42300 + 44500	Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар	
150	45100	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар	
160	44700 + 44900	Бошқа фоизсиз даромадлар	
170		<b>Жами фоизли даромадлар</b> <b>(110 + 120 + 130 + 140 + 150 + 160)</b>	
		<b>2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР</b>	
210	53101 + 54101	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
220	53105 + 53109 + 53113 + 53117 + 53121 + 53195 + 54105 + 54109 + 54113 + 54117 + 54121 + 54195	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар	
230	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар	
240	54900	Бошқа фоизли харажатлар	
250		<b>Жами фоизли харажатлар (210 + 220 + 230 + 240)</b>	
310		<b>3. Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолашгача бўлган соф фоизли даромадлар</b>	
320	56802 + 56838 + 56842	Минус: кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	
330		<b>Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310 – 320)</b>	
		<b>4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР</b>	
410	45201	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар	
420	45217	Сотиб олинган дебиторлик қарзларидан олинган даромадлар — факторинг	
430	45400	Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида олинган фойда	
440	45917	Грант маблағларидан олинган даромад	
450	45901 + 45909 + 45913 + 45921 + 45994	Бошқа фоизсиз даромадлар	
460		<b>Жами фоизсиз даромадлар (410 + 420 + 430 + 440 + 450)</b>	
		<b>5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР</b>	
510	55106	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	
520	55300	Чет эл валютаси курси ўзгариши натижасида кўрилган зарар	
530	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар	
540		<b>Жами фоизсиз харажатлар (510 + 520 + 530)</b>	
600		<b>6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГА-ЧА СОФ ФОЙДА (330 + 460 – 540)</b>	
		<b>7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР</b>	
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
740	56400	Маъмурий харажатлар	
750	56600	Эскириш харажатлари	
760	56700	Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	
770		<b>Жами операцион харажатлар (710 + 720 + 730 + 740 + 750 + 760)</b>	
800	56800 – 56802 – 56838 – 56842	<b>8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМ- КИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ</b>	
900		<b>9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА (600 – 770 – 800)</b>	
1000	56902	<b>10. Фойда солиғи*</b>	
1010		Ободонлаштириш ва ижтимоий инфра- тузилмани ривожлантириш солиғи	
1100		<b>11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900 – 1000 – 1010)</b>	
1110	31206***	ФОЙДАГАЧА БЎЛГАН ТУЗАТИШ- ЛАР, СОФ**	
1200		<b>12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100 + /-1110)</b>	

Изоҳ: \* ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрокредит ташкилотлари бўйича бу сатрда ягона солиқ тўлови суммаси кўрсатилади;

\*\* жорий йил соф фойдасидан эълон қилинган дивидендлар;

\*\*\* ҳисобот йили давомида.

Раҳбар имзоси:

муҳр

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Микрокредит ташкилотлари томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банкига молиявий ҳисоботларни ва электрон  
маълумотларни тақдим этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

« \_\_\_\_\_ » **микрокредит ташкилотининг**  
**КАПИТАЛДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИ**

**20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ ҳолатига**

КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ
100	Капиталнинг бошланғич қолдиғи (30000)	Йил бошидаги капитал	
200		Ўтган йил ҳисоботида акс эттирилмаган капиталдаги соф тузатишлар	
300		Ўтган йилдаги капитал (100 + 200)	
400	Фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисобот (1200 код)	Йил бошидан соф фойда (зарар)	
500	30903-30903 (йил бошидаги)	Захира фондидаги ўзгаришлар	
600	30905-30905 (йил бошидаги)	Текинга олинган мулкларнинг жорий йилдаги ўзгариши	
700	31701-31701 (йил бошидаги)	Жорий йилда ўзлаштирилган хайрия ва грантлар	
800	30301-30301 (йил бошидаги)	Устав капиталидаги жорий йилдаги ўзгаришлар	
900	30908-30908 (йил бошидаги)	Бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммаси	
1000	Дт 31203, Кт*****	Минус: фойданинг тақсимланган қисми	
1100		Жорий йил капиталига таъсир этган бошқа ўзгаришлар (соф)*	
1200		<b>Жами капитал (300 + 400 + 500 + 600 + 700 + 800 + 900 + 1100 – 1000)</b>	

Изоҳ: \* бошланғич қийматга нисбатан баҳолаш қийматининг ошган суммасини тақсимланмаган фойдага ўтказилиши ва бошқалар.

Раҳбар имзоси:

муҳр

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер имзоси:

\_\_\_\_\_ (Ф.И.Ш.)